

**ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ
ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

СТАТИСТИКА

ЙЎНАЛИШИ

«МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ»

МОДУЛИ БЎЙИЧА

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й
М А Ж М У А**

Тошкент 2021

Модулнинг ўқув услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: ТДИУ катта ўқитувчиси М.Ш.Аҳмедова

Такризчилар: Б.Х.Маматкулов Тошкент Молия Институтини, и.ф.н.,
доцент.
З.Д.Хўжакулов Тошкент Молия Институтини, и.ф.н.,
доцент.

Модулнинг ишчи дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Назарий материаллар.....	11
III. Амалий машғулот материаллари.....	26
IV. Мустақил таълим мавзулари	31
V. Глоссарий	33
VI. Адабиётлар рўйхати	41

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг

мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Миллий ҳисоблар тизими” модулининг мақсад ва вазифалари:

- “Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Миллий ҳисоблар тизими” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Мутахассислик фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- макроиктисодий кўрсаткичларга доир статистик масалаларни ечишни;
- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитини ўрганишда халқаро статистика амалиётида қўлланадиган асосий категориялар ва тушунчаларни ёритишни;
- ялпи ички маҳсулот дефлятори ва инфляция даражаларини ҳисоблашни;
- турли иқтисодий статистик маълумотларни таҳлил қилишни;
- иқтисодиётнинг инновацион тараққиётининг илмий-амалий асосларини билиши керак.

Тингловчи:

- ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, соф миллий даромад, ихтиёрдаги даромад – макроиктисодий кўрсаткичларнинг моҳияти ва уларни ҳисоблаш;
- тармоқлараро баланс тузиш услубиятини қараб чиқиш, Ўзбекистон статистика амалиётида миллий ҳисоблар тизими жорий қилиш муаммоларини ўрганиб чиқиш;
- аҳоли, меҳнат ресурслари ва уларни сони, таркиби, ҳаракати кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- ишсизлик, бандлик ва улар даражалари кўрсаткичлари ўрганиш;

- макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш каби **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- миллий ҳисоблар тизими, унинг ҳисобламалари, таснифи ва тузилишини, ишлаб чиқариш, муомила харажатларини аниқлаш;

- ялпи ички маҳсулот дефляторини ҳисоблаш;

- инновацион ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилишда статистик усуллардан фойдаланиш;

- макроиқтисодий жараёнларни ифодалаш учун жаҳон статистика амалиётида қўлланадиган миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларини тузиш принциплари ва услубиятини ўрганиш;

- иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда махсус статистик усуллардан фойдаланишга оид **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларини тушунтириб бериш ҳамда иқтисодиёт соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

- статистик кўрсаткичларни тизимли равишда таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;

- статистик таҳлиллар асосида тармоқлар ва корхоналарнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;

- ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг статистик усулларини қўллаш олиш;

- ялпи ички маҳсулот дефляторини ва нарх индексларини ҳисоблаш;

- миллий ҳисоблар тизимида қўлланадиган асосий таснифлаш ва гуруҳлаш ва уларни иқтисодий таҳлилдаги аҳамиятини кўриб чиқиш, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, даромадларни ҳосил қилиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва ишлатиш, истеъмол ва жамғарма жараёнларини ифодаловчи макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини баён этиш **компетенциясига** эга бўлиши зарур.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Миллий ҳисоблар тизими” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Агробизнес статистикаси”, “Иқтисодий статистика”, “Макроиқтисодий сиёсат ва миллий иқтисодиётни барқарорлашуви муаммолари”, “Эконометрика ва илмий тадқиқот усуллари” ва “Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умуммутахассислик бўйича тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий эконометрик моделларни тузиш ва қўллашдаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш ҳамда оптимал қарорлар қабул қилиш ва прогнозлашга доир умуммутахассислик компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Аудитория ўқув юкламаси			
		жами	жумладан		
Назарий машғулот	Амалий машғулот		Кўчма машғулот		
1	Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби ва уларни тузиш принциплари	4	2	2	
2	Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари	4	2	2	
3	Ташқи дунё сектори ҳисобламалари	4	2	2	
	Жами:	12	6	6	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби ва уларни тузиш принциплари

Миллий ҳисоблар тизимида ҳисоблама тушунчаси ва уни тузиш қоидалари. Икки ёқлама ёзиш принципи – миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларини тузишда услубий асос сифатида.

Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларининг таркиби. Ички иқтисодиёт ва унинг секторлари ҳисобламалари. Жорий операциялар ҳисобламалари (ишлаб чиқариш ҳисобламаси, бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари, даромадларни қайта тақсимлаш ҳисобламалари, даромадлардан фойдаланиш

ҳисобламалари). Жамғариш ҳисобламалари (сармоя билан операциялар ҳисобламаси, молия ҳисобламаси, активлар ҳажмидаги бошқа ўзгаришлар ҳисобламаси, қайта баҳолаш ҳисобламаси).

2-мавзу. Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари.

Даромадларни ҳосил қилиш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Ялпи ички маҳсулот (ялпи қўшилган қиймат). Ишлаб чиқариш ва импорт учун субсидиялар (маҳсулотлар учун субсидиялар, ишлаб чиқариш учун бошқа субсидиялар, импорт учун субсидиялар). Ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи (ялпи иш ҳақи, корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий таъминотга ҳақиқий ажратмалари, ижтимоий таъминотга ҳисобланган шартли ажратмалар). Маҳсулот ва импорт учун солиқлар (маҳсулотлар учун солиқлар, ишлаб чиқариш учун бошқа солиқлар, импорт учун солиқлар). Иқтисодиётнинг ялпи фойдаси (ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад). Асосий капитал истеъмоли. Иқтисодиётнинг соф фойдаси (соф фойда ёки соф аралаш даромад).

Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Иқтисодиёт ялпи фойдаси (ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад). Ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи. Ишлаб чиқариш ва импорт учун солиқлар. “Ташқи дунё”дан олинган ва “ташқи дунё”га тўланган мулк даромадлари: фоиз; корхона тақсимланган даромади; суғурта полислари эгаларига тегишли мулкдан олинган даромад; рента. Ялпи миллий даромад (ялпи бирламчи даромадлар қолдиғи).

3-мавзу. Ташқи дунё сектори ҳисобламалари.

Товар ва хизматлар билан ташқи операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Товар ва хизматлар импорти. Товар ва хизматлар экспорти. Товар ва хизматлар бўйича қолдиқ.

Ташқи бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Товар ва хизматлар бўйича қолдиқ. Товар ва хизматлар импорти. “Ташқи дунё”га тўланган бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар: норезидент ёлланма ходимлар меҳнат ҳақи; ишлаб чиқариш ва импорт учун соф солиқлар; мулкдан олинган даромадлар; жорий трансфертлар. “Ташқи дунё”дан олинган бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар: резидент ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи; ишлаб чиқариш ва импорт учун соф солиқлар; мулкдан олинган даромадлар; жорий трансфертлар.

Сармоя билан операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Жорий операциялар бўйича қолдиқ. “Ташқи дунё”дан олинган капитал трансфертлар. “Ташқи дунё”га тўланган капитал трансфертлар. Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларни соф хариди. Соф кредитлаш ёки соф қарз олиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби ва уларни тузиш принциплари

Миллий ҳисоблар тизимида ҳисоблама тушунчаси ва уни тузиш қоидалари. Икки ёқлама ёзиш принципи – миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларини тузишда услубий асос сифатида.

Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларининг таркиби. Ички иқтисодиёт ва унинг секторлари ҳисобламалари. Жорий операциялар ҳисобламалари (ишлаб чиқариш ҳисобламаси, бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари, даромадларни қайта тақсимлаш ҳисобламалари, даромадлардан фойдаланиш ҳисобламалари). Жамғариш ҳисобламалари (сармоя билан операциялар ҳисобламаси, молия ҳисобламаси, активлар ҳажмидаги бошқа ўзгаришлар ҳисобламаси, қайта баҳолаш ҳисобламаси).

2-амалий машғулот.

Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари.

Даромадларни ҳосил қилиш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Ялпи ички маҳсулот (ялпи қўшилган қиймат). Ишлаб чиқариш ва импорт учун субсидиялар (маҳсулотлар учун субсидиялар, ишлаб чиқариш учун бошқа субсидиялар, импорт учун субсидиялар). Ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи (ялпи иш ҳақи, корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий таъминотга ҳақиқий ажратмалари, ижтимоий таъминотга ҳисобланган шартли ажратмалар). Маҳсулот ва импорт учун солиқлар (маҳсулотлар учун солиқлар, ишлаб чиқариш учун бошқа солиқлар, импорт учун солиқлар). Иқтисодиётнинг ялпи фойдаси (ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад). Асосий капитал истеъмоли. Иқтисодиётнинг соф фойдаси (соф фойда ёки соф аралаш даромад).

Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Иқтисодиёт ялпи фойдаси (ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад). Ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи. Ишлаб чиқариш ва импорт учун солиқлар. “Ташқи дунё”дан олинган ва “ташқи дунё”га тўланган мулк даромадлари: фоиз; корхона тақсимланган даромади; суғурта полислари эгаларига тегишли мулкдан олинган даромад; рента. Ялпи миллий даромад (ялпи бирламчи даромадлар қолдиғи).

3-амалий машғулот.

Ташқи дунё сектори ҳисобламалари.

Товар ва хизматлар билан ташқи операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Товар ва хизматлар импорти. Товар ва хизматлар экспорти. Товар ва хизматлар бўйича қолдиқ.

Ташқи бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Товар ва хизматлар бўйича қолдиқ. Товар ва хизматлар импорти. “Ташқи дунё”га тўланган бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар: норезидент ёлланма ходимлар меҳнат ҳақи; ишлаб чиқариш ва импорт учун соф

солиқлар; мулкдан олинган даромадлар; жорий трансфертлар. “Ташқи дунё”дан олинган бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар: резидент ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи; ишлаб чиқариш ва импорт учун соф солиқлар; мулкдан олинган даромадлар; жорий трансфертлар.

Сармоя билан операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Жорий операциялар бўйича қолдиқ. “Ташқи дунё”дан олинган капитал трансфертлар. “Ташқи дунё”га тўланган капитал трансфертлар. Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларни соф хариди. Соф кредитлаш ёки соф қарз олиш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Мазкур модул бўйича ўқув режада кўчма машғулотлар назарда тутилмаган.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш;
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби ва уларни тузиш принциплари

Миллий ҳисоблар тизими – бу иқтисодий фаолият натижаларини макродаражада қайд этиш ва уни таҳлил қилиш учун фойдаланадиган, ўзаро бир бирига боғлиқ кўрсаткичлар, классификациялар ва счётлар тизимидир.

Мақсад

- Иқтисодиётни тавсифлашда халқаро статистика амалиётида қўлланувчи асосий тушунча ва категориялар билан таништириш.
- Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, даромадларнинг шаклланиши, тақсимланиши, қайта тақсимланиши ва улардан фойдаланиш, жамғариш шунингдек, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини ёритиб бериш.
 - Макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғланишларни очиб бериш ва ҳисоблаш усуллариини ўрганиш.
 - Ички иқтисодиёт ва ташқи дунё секторининг алоҳида счётларини тузиш ва услубиятларини тушунтириш.
 - Тармоқлараро баланс тузиш услубиётларини ўрганиш.
 - МХТ счётлар кўрсаткичларини таҳлил қилишни асосий йўналишлари ва усуллариини ўрганиш.

Истеъмолчилар

- Ҳалқаро ташкилотлар – МХТга тегишли стандартлар ишлаб чиқиш, кредитлар ажратишда ва ўзларини бадалларини аниқлашда қўллайди.
- Давлат бошқаруви ташкилотлари – солиқ, бюджет сиёсати; пул массаси, фоиз, инфляцияга қарши кураш чоралари, аҳолини иш билан таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, даромадни тақсимлаш, ташқи савдо сиёсати ва макроиқтисодий муаммоларини ечишда фойдаланади.
- Корхона раҳбарлари ва менежерлари – корхона ўз иқтисодий кўрсаткичларни макроиқтисодий кўрсаткичлардаги ўрнини аниқлаш орқали, корхонани инвестиция сиёсатини ва бозор конъюктурасини ўрганиш учун фойдаланади.
- Илмий текшириш институтлари ва илмий марказлар – иқтисодиётни таҳлил қилишда ва иқтисодиётни прогностлашда, ҳамда иқтисодий моделлар ишлаб чиқаришда фойдаланади.
- Олий ўқув юрт талабалари – макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда ва натижаларини таҳлил қилиш усуллариини ўрганишда фойдаланади.

1.1-расм. Миллий ҳисоблар тизими тушунчаси, уни мақсади, истеъмолчилари ва макроиқтисодий таҳлилдаги ўрни.

МҲТ кўрсаткичларининг таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари

- Айрим МҲТ счётларини кўрсаткичларини таҳлили;
- Счётларни кўрсаткичлари бир-бири билан боғланган ҳолда ва уларга қўшимча ҳисобланган кўрсаткичлар билан биргаликда таҳлили;
- Иқтисодий сектор кўрсаткичларини алоҳида таҳлил қилиш ва иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрнини ойдинлаштириш;
- Тармоқларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини таҳлил қилиш ва тармоқларнинг таркибий ўзгаришларини баҳолаш;
- МҲТда акс этадиган иқтисодий жараёнлар (даромаднинг шаклланиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, жамғариш) таҳлили;
- Иқтисодий ўсиш қонуниятлари ва йўналишлари, ЯИМ таркиби, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларининг мувозанатли ривожланиш суръатлари боғлиқлиги, истеъмол ва жамғариш, инвестицияни ички талаб ва таклифлар орасидаги муносабатлар, ялпи ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол ва ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичлар динамикаси таҳлили.

1.2-расми давоми. Миллий ҳисоблар тизими тушунчаси, уни мақсади, истеъмолчилари ва макроиқтисодий таҳлилдаги ўрни.



<p>Даромадни яратиш фақатгина номоддий ишлаб чиқариш соҳаларга тегишли бўлмасдан, балки хизмат соҳасига ҳам тегишлидир. Шу концепцияга асосан иқтисодий ишлаб чиқариш барча иқтисодий фаолият турларини ўз ичига олади, яъни товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш соҳаси шу жумладан номоддий хизматлар кўрсатиш соҳаси МХТни 1993 йилдаги нусхасида яширин иқтисодиётни ҳам ўз ичига олади.</p>	<p>Иқтисодий ишлаб чиқариш натижасида яратилган даромад, бу барча ишлаб чиқариш омилларига тегишлидир: ер, сармоя, меҳнат ва тадбиркорлик. Шу сабабли яратилган даромад ишлаб чиқариш омилларини эгалари ўртасида тақсимланади. МХТ-1993 йилдаги нусхасида “омиллар даромади” ўрнига “бирламчи даромадлар” деб аталади.</p>	<p>Ишлаб чиқарувчи бирлик ўз сармоясини маълум даврда ишлатиб ва шу даврда сармояни максимал қийматида сақлай олса, шу давр давомида қилинган харажатларга даромад дейилади, бошқача қилиб айтганда ишлаб чиқарувчи бирлик шу даврда камбағал бўлиб қолмаса, яъни яратилган бойлиги камаймаса ва ўзига ҳеч қандай молиявий мажбурият олмаса. Шу концепцияга асосан даромаднинг молиявий манбаи фақатгина ялпи қўшилган қийматдир. Инфляция таъсирида валюта курслари ва баҳоларни ўзгариши туфайли олинган фойда, асосий активларни сотишдан ва инфляция туфайли активларни қийматини ўзгаришидан олинган маблағ даромад деб ҳисобга олинмайди.</p>	<p>Бу концепцияга асосан Миллий иқтисодиёт катта кўп ўлчамли тизим деб ва уни объектлари турли туман иқтисодий жараёнлардан иборат деб тушунилади. Шу тизимни асоси иқтисодий айланиш бўлиб, у ўзига барча такрор ишлаб чиқариш жараёнларини, яъни ишлаб чиқариш, даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, уларни якуний истеъмолчи ва жамғаришда фойдаланиш жараёнларини ўз ичига олади. Ҳар бир иқтисодий жараён махсус счётларда шаклланади. Ҳамма счётлар бир-бири билан узвий боғланиб, маълум жараёнларни ўзида ифода этади.</p>
---	---	---	--

1.3-расм. МХТ концепциясининг назарий асоси

Миллий ҳисоблар тизимининг пайдо бўлиши, тараққиёт босқичлари

I-босқич XVII асрнинг иккинчи ярмидан 1930 йилгача бўлган давр	II-босқич XX асрни 30- йилларидан иккинчи жаҳон уруши йилларигача бўлган давр	III-босқич XX асрни 1945- йиллардан 1953- йилларгача бўлган давр	IV-босқич XX асрни 1953- йиллардан 1993- йилгача бўлган давр	V-босқич XX асрни охирлари 1993- йилдан XXI-асрни бошлари 2008 йилларгача бўлган давр
---	---	--	--	--

Миллий ҳисобчилик назариясининг асосчилари

У. Петти, Г.Кинг, Ф. Кенэ, А. Смит, К. Марс, К.Кларк, А.Маршалл, С.Кузнец, К.Марке, В.Леонтъев, Р.Фриша, Я. Тинберген ва бошқалар	Р.Стоун, М.Джилберт, Г.Ясси, Дж. Кендрик, О.Аукрист, Ф.Перру, Дж. Хике, Н.Айдинов, З.Кеннеши, В. Крелле, Ж.Маршаль, П.Хилл, Д.Кейнс ва бошқалар	Ричард ва Нанси Раглс, Р. Айзнер, Р. Голдемит, Ю.Н.Иванов, А.Хосарасв, И.Масакова, Р. Рябушкин, Т.Хоменко, Р.Алимов, А.Набиходжаев, Б.Махмудов, Н.Соатов, Ё.Абдуллаев, Ш.Шодмонов, Б.Ғойибназаров ва бошқалар
--	--	---

Иқтисодий назарияда йўналишлари

I-йўналиши: Д.Кейнс макроиқтисодий назарияси. Иқтисодиётни (иқтисодий жараён натижаларини) ўзаро бир- бирига боғлиқ бўлган ўзгарувчилар орқали ифода этиш	II-йўналиш: А.Маршалл – иқтисодиёт холатини иқтисодиёт сектор ўртасида бўлаётган иқтисодий операциялар	III-йўналиши: Товарлар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш, истеъмол ва жамғариш жараёнларидаги холатини (ишлаб чиқариш, қайта ишлаб
---	---	--

Юқоридаги йўналишларни умумлаштириб, халқаро ташкилотлар: БМТ, ХВФ, Жаҳон банки ва бошқалар – миллий ҳисоблар тизимининг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқишда ва амалиётга тадбиқ қилишда катта ҳисса қўшдилар

1.4-расм. МХТнинг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари

Назорат учун саволлар

1. МХТ қандай тизим ва у нимага асосланади?
2. МХТни ўрганишдан мақсад нима?
3. МХТ маълумотларининг истеъмолчилари кимлардан иборат?
4. МХТ ривожланишида қандай тараққиёт босқичларини босиб ўтган?
5. МХТнинг назарий асослари ва тушунчаларини таърифлаб беринг.
6. Ўзбекистон Республикасининг МХТга ўтишдаги Давлат дастури ва унинг амалга оширилиши тўғрисида нималар биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
2. Аюбжонов А.Ҳ., Маматкулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н.. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., 2012 й
3. Система национальных счётов 1993. Издание ООН, 1998г. – С. 1-72.
4. Основы национального счетоводства (международный стандарт): Учебник./ Под ред. Ю.Н.Иванова. – Москва: ИНФРА-М, 2011. – С. 19-69.
5. Подмогильная В. Система национальных счетов: Учебно-практическое пособие. – Москва: РАГС, 2010. – 238 с.
6. Кремлев Н.Д. Система национальных счетов: Учебное пособие. – Курган: Издательство Курганстат, 2009. – С. 6-60.
7. Салин В.Н., Кудряшова С.И. Система национальных счетов: Учебное пособие для вузов. – Москва: Финансы и статистика, 2006. – 272 с.
8. Махмудов Б. Миллий ҳисобчилик асослари./Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2018. – Б. 9-34.
9. Qoraboev A.R. Milliy hisoblar tizimi fanidan masalalar to'plami. O'quv uslubiy qo'llanma. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. – В. 4-21.
10. Абдуғаффоров А, Зокирова М, Қорабоев А. Миллий ҳисоблар тизими. Тошкент “Молия” 2012.-Б.

2-мавзу. Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари.(6 соат)

Режа:

- 1.Даромадларни ҳосил қилиш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.
- 2.Ялпи ички маҳсулот (ялпи қўшилган қиймат).
- 3.Ишлаб чиқариш ва импорт учун субсидиялар (маҳсулотлар учун субсидиялар, ишлаб чиқариш учун бошқа субсидиялар, импорт учун субсидиялар).
- 4.Ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи (ялпи иш ҳақи, корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий таъминотга ҳақиқий ажратмалари, ижтимоий таъминотга ҳисобланган шартли ажратмалар).

5.Маҳсулот ва импорт учун солиқлар (маҳсулотлар учун солиқлар, ишлаб чиқариш учун бошқа солиқлар, импорт учун солиқлар). Иқтисодиётнинг ялпи фойдаси (ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад).

6.Асосий капитал истеъмоли. Иқтисодиётнинг соф фойдаси (соф фойда ёки соф аралаш даромад).

7.Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Иқтисодиёт ялпи фойдаси (ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад). Ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи. Ишлаб чиқариш ва импорт учун солиқлар. “Ташқи дунё”дан олинган ва “ташқи дунё”га тўланган мулк даромадлари: фоиз; корхона тақсимланган даромади; суғурта полислари эгаларига тегишли мулкдан олинган даромад; рента. Ялпи миллий даромад (ялпи бирламчи даромадлар қолдиғи).

Ҳисобламалар МХТнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Уларда институционал бирликлар ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уй хўжаликлари ва ҳ.к.лар амалга оширган иқтисодий операциялар қайд этилади. “айд этилган операциялар шу мамлакат резидентлари ёки хориж мамлакатлар резидентлари орасида амалга оширилган бўлиши мумкин.

Ҳисобламалардаги қайд этилганлар алоҳида иқтисодий операцияларга тегишли бўлмай, балки иқтисодий операциялар гуруҳига тегишли бўлади, масалан, истеъмол, жамғариш, экспорт ва ҳ.к. баъзи ёзувлар иқтисодий операцияларга тегишли бўлмаган (бунда икки ва ундан ортиқ институционал бирликлар орасидаги ихтиёрий равишдаги ўзаро боғланиш назарда тутилади), балки экстраординар ҳодисалар (ёнғин, табиий офат, уруш ва ҳ.к.) натижасида активлар ҳажмининг ўзгаришини акс эттириши мумкин.

Ҳисобламалардаги айрим қайд этишлар – иқтисодий жараёнлар ҳар хил томонларини акс эттирувчи ҳар хил аналитик жамловчи кўрсаткичлар ҳам бўлиши мумкин. Бу кўрсаткичларнинг кўпчилиги, масалан, қўшилган қиймат, жамғариш, бирламчи даромадлар баланс усули билан ёки ресурс қисми суммаси билан, улардан фойдаланиш қисми орасидаги фарқ сифатида ёзилади. Юқорида қайд этилганидек, бутун иқтисодиётга тааллуқли бўлган кўрсаткичлар: масалан, ЯИМ, миллий даромад, миллий бойлик каби кўрсаткичлар агрегат кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

Тузилиши бўйича МХТ ҳисобламалари бухгалтерия ҳисоби ҳисобламаларига ўхшайди. Улар Т-формасига эга бўлиб, уларни баланслаштиришнинг икки хил усули мавжуд. Уларнинг баъзилари баланс усулида ёки баланслаштирувчи модда сўнгра, кейинги ҳисоблама учун бошловчи модда бўлиб ҳисобланади.

Бошқа ҳисобламалар «аниқлаш бўйича» баланслаштирилади. Бунинг моҳияти шундаки, унда ҳисобламанинг ресурс қисми билан, улардан фойдаланиш қисми орасидаги фарқ аниқланади. Шундай ҳисобламалардан бири «товар ва хизматлар» ҳисобламасидир. У товарлар ва хизматларни ҳар хил мақсадларда фойдаланишни акс эттиради: истеъмол, жамғариш ва бошқалар. Бу ҳисобламада баланслаштирувчи модда бўлмайди. Аммо агар моддалар тўғри аниқланса,

ҳисоблама автоматик равишда баланслашади. Агар баланслашмай қолса, у ҳолда ҳисоб-китоб ишларида ноаниқликларга йўл қўйилган бўлади.

МХТ ҳисобламаларида икки томонни бир-биридан ажратиш лозим бўлади: ресурслар ва ресурслардан фойдаланиш (бунда бухгалтерия ҳисобидаги дебет ва кредит эмас). қайд этиш лозимки, ҳар бир ҳисобламадаги ресурслардаги ёзувлар йиғиндиси, ресурслардан фойдаланишдаги ёзувлар йиғиндисига тенг бўлиши шарт.

МХТда ҳисобламаларнинг аниқ таснифи мавжуд. қуйидаги ҳисобламалар гуруҳини бир-биридан ажратиш лозим:

- иқтисодиёт секторлари учун ҳисобламалар;
- иқтисодиёт тармоқлари учун ҳисобламалар;
- айрим иқтисодий операциялар учун ҳисобламалар;
- бутун иқтисодиёт учун ҳисобламалар (йиғма ҳисобламалар)

Иқтисодиёт секторлари учун ҳисобламалар ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- жорий ҳисобламалар;
 - жамғариш ҳисобламалар;
 - активлар ва пассивлар баланслари;
- жорий ҳисобламалар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- ишлаб чиқариш ҳисобламаси;
 - даромадларни ҳосил бўиши;
 - даромадларни бирламчи тақсимлаш;
 - даромадларни пул формада қайта тақсимлаш;
 - ихтиёрдаги даромадлардан пул формада фойдаланиш;
 - даромадларни натурал формада қайта тақсимлаш;
 - тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромадлардан фойдаланиш ҳисобламалари.

Жамғариш ҳисобламалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- капитал билан операциялар ҳисобламалари;
 - молиявий ҳисоблама;
 - актив ва пассивлардаги бошқа ўзгаришлар ҳисобламалари;
- а) актив ва пассивлардаги бошқа ўзгаришлар ҳисобламалари;
- б) актив ва пассивларни қайта баҳолаш ҳисобламалари.

Актив ва пассивлар баланслари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- давр бошидаги актив ва пассивлар баланси;
- давр охиридаги актив ва пассивлар баланси.

Энди ҳар бир жорий ҳисобламаларни кўриб чиқамиз:

I. Ишлаб чиқариш ҳисобламаси

Фойдаланиш	Ресурслар
2. Оралиқ истеъмол	1. Ишлаб чиқариш
3. Ялпи қўшилган қиймат (1-2)	
Жами фойдаланилган	Ресурслар жами

Ишлаб чиқариш ҳисобламаси ишлаб чиқариш натижаларини ёритиш учун мўлжалланган. Унинг ўнг томонида акс эттирилувчи ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш натижаларини ўлчовчи бошланғич нукта бўлиб ҳисобланади. Кенг маънода ишлаб чиқариш – ишлаб чиқарилган барча товар ва хизматлар қийматини акс эттиради. Уни ҳисоблаш жараёнида ишлаб чиқаришнинг ўзида сарфланган товар ва хизматлар қиймати айириб ташланмайди. Шунинг учун ишлаб чиқариш таркибида такрорий ҳисобламалар мавжуд бўлади.

Иқтисодиётнинг ҳар хил сектор ва тармоқларда ҳар хил усулларда ҳисобланган ишлаб чиқариш ҳажми бир-биридан фарқ қилади. Масалан, номолиявий секторда ишлаб чиқариш ҳажми қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P=R+S;$$

Бунда P – ишлаб чиқариш;

R – сотилган маҳсулот ҳажми;

S – ишлаб чиқарилган, лекин сотилмай қолган тайёр маҳсулотлар захираларининг ортиши, бунга тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи ҳам қўшилади.

Сотилмай қолган тайёр маҳсулотлар захирасининг ортиши қуйидаги формула бўйича ҳисобланиши мумкин:

$$S=S_1-S_0;$$

Бунда S_1 – давр охирида захиралар қиймати;

S_0 – давр бошидаги захиралар қиймати;

Айтиш лозимки, МХТда қуйидаги муҳим қоидага риоя қилинади: товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилган вақтидаги баҳо билан баҳоланади, сотилган вақтидаги баҳо билан эмас. Юқори инфляция мавжуд бўлган даврда бундай фарқ жуда юқори ҳам бўлиши ҳам мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш вақтидаги баҳо билан баҳолаш мақсадида МХТда захирадаги тайёр лекин сотилмай қолган маҳсулотларни юқори инфляция даврида баҳолаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$S^1=L-M$$

Бунда L – товарларни захирага қўйиш вақтидаги баҳо билан баҳоланган маҳсулотлар қиймати;

M – товарларни захирадан олиш вақтидаги баҳо билан баҳоланган маҳсулотлар қиймати.

Банк муассасаларининг ишлаб чиқариш ҳажми қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P=T_1-T_0$$

Бунда P – банкларнинг ишлаб чиқариш ҳажми

T_1 – маблағларни жалб қилгани ва жойлагани учун харидорларнинг банкларга тўлаган фоизлари

T_0 – банклар томонидан озод молиявий ресурсларни жалб этгани учун банкларнинг харидорларга тўлаган фоизлари.

Демак, банклар ресурсларни сақловчилар билан инвесторлар орасидаги воситачи ролини ўйнайдилар. Айтиш лозимки молиявий воситаларнинг ишлаб чиқариш хажмига харидорларнинг қуйидаги хизматлар учун тўловлари: бойликларни сейфларда сақлаш, инвестициялаш бўйича берилган маслаҳатлар, валюта алмаштириш ва ҳ.к. ҳам қўшилади.

Суғурта компаниялар маҳсулот хажми қу қуйидагича аниқланади:

$$P=R-K+Q-N$$

Бунда, R - суғурта компанияларга тўланган суғурта мукофотлари

K – суғурта компаниялари тўлаган суғурта тўловлари

Q – суғурта компаниялари томонидан техник заҳираларни қимматбаҳо қоғозларни ва бошқа молиявий маблағларни инвестициялашдан олинган фоизлар

N – суғурталанган техник заҳиралар хажмининг ортиши.

Оралик истеъмол – ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган товар ва хизматлар қиймати, масалан, ишлаб чиқаришда сарфланган хом-ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асбоб-ускуналар қиймати, шунингдек, реклама агентликлари, юридик консултациялар, транспорт агентликлари ва ҳ.к. хизматлари учун тўловлар ва ҳ.к.

Иморатлар, ускуналар ва машиналар ижараси учун тўловлар ҳам оралик истеъмолнинг муҳим моддаси ҳисобланади. Лекин асосий капитал истеъмоли оралик истеъмол ҳисобланмайди. Оралик истеъмол қиймати охириги фойдаланиш баҳосида ҳисобланади ва унга барча савдо-транспорт устамалари ҳам қўшилади.

Шуни қайд қилиш лозимки, оралик истеъмол сотиб олинган вақтидаги баҳо билан эмас, балки ишлаб чиқаришда фойдаланилган вақтдаги баҳо билан ўлчанади.

Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) – иқтисодий фаолиятнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб, у ишлаб чиқариш ҳисобламасининг баланслаштирувчи моддаси ҳисобланади ва ишлаб чиқариш билан оралик истеъмол орасидаги фарқ сифатида аниқланади. Агар ишлаб чиқариш асосий баҳоларда (маҳсулотларга субсидиялар қўшилиб, солиқлар айрилган ҳолда) баҳоланган бўлса, ЯҚҚ ҳам шу баҳоларда баҳоланади, агар у ишлаб чиқарувчи баҳосида баҳоланган бўлса (маҳсулотларга солиқлар қўшилиб, лекин қўшилган қиймат солиқлари, субсидияларни ҳисобга олмаган ҳолда) ЯҚҚ ҳам шу баҳоларда баҳоланади. Кенг маънода барча сектор ва тармоқлар ЯҚҚ йиғиндиси Ялпи ички маҳсулотга тенг. Аммо амалда ЯИМ ва ЯҚҚни баҳолашдаги ўзига хос хусусиятларни эътиборга олиб улар орасидаги боғланишни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

$$GDP=VA+N-S$$

Бунда GDP – ялпи ички маҳсулот

VA – асосий баҳоларда ҳисобланган иқтисодий барча секторларнинг ялпи қўшилган қиймати

N – маҳсулотларга бўлган барча солиқлар суммаси

S – маҳсулотларга бўлган субсидиялар

Агар ЯҚҚ ишлаб чиқарувчи баҳосида баҳоланган бўлса, ЯҚҚ ва ЯИМ орасидаги боғланиш қуйидагича бўлади:

$$GDP=VA+VAT+V$$

Бунда VA – ишлаб чиқарувчилар баҳосида ҳисобланган иқтисодиётнинг барча секторлари ялпи қўшилган қиймати

VAT - қўшилган қиймат солиғи

V – импорт солиғи – импорт субсидияси

Ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичига асосий капитал истемоли харажатлари ҳам қўшилгани учун уни ялпи кўрсаткич дейилади. Асли уни қўшилмаслик керак эди, аммо унинг хажмини МХТ талаби даражсида ёки тиклашдаги қиймати бўйича доим ҳам аниқлаб бўлмайди.

Даромадларни ҳосил бўлиши ҳисобламаси ЯҚҚни қандай элементларга ажралишини кўрсатади. ЯҚҚнинг асосий элементлари ҳисобламасининг чап қисмида келтирилади.

II. Даромадларни ҳосил бўлиши

Фойдаланиш	Ресурслар
2. Иш ҳаққи 3. Ишлаб чиқаришга бошқа солиқар 4. Асосий капитал истемоли 5. Фойда (аралаш даромад) 1-2-3-4	1. Ялпи қўшилган қиймат
Жами фойдаланилган	Жами ресурслар

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий ҳисоблар тизимининг моҳияти нимада ва унинг қандай асосий хусусиятларини биласиз?

2. 1993 йилда қабул қилинган МХТда хўжалик юритувчи субъектлар қандай институционал секторларга ажратилган?

3-мавзу. Ташқи дунё сектори ҳисобламалари

Режа:

1. Даромадлар тўғрисидаги умумий (ДЖ ХИКС, П. ЛИППЕ) концепция ва МҲТ да даромадларнинг кўрсаткичлари.

2. Қўшилган қийматнинг таркибий қисмлари: меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш ва импортга солинган солиқлар ва субсидиялар, уларнинг классификацияси.

3. Мулк даромадлари; фоизлар, корпорацияларнинг тақсимланадиган фойдаси, дивидентлар, рента ва бошқалар. Даромадларни бирламчи тақсимлаш счёти ва кўрсаткичларини ҳисоблаш.

4. Даромадларни иккиламчи тақсимлаш счётидаги асосий операциялар. Трансфертлар: жорий ва сармоя трансфертлар, пул ва натура шаклидаги трансфертлар.

5. Даромадларга солинган солиқлар ва бошқа жорий солиқлар. Ижтимоий суғурта ажратмалар, ижтимоий нафақалар ва ёрдамлар. Бошқа жорий трансфертлар. қайта тақсимлашнинг пул ва натура шакллари.

6. Ихтиёрдаги даромад. Миллий ихтиёридаги даромад.

Даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисобламаси ишлаб чиқарувчи секторларда олинган бирламчи даромадларни келиб тушиши ва уларни қабул қилувчи секторларга ўтказилиш жараёнини кўрсатишдан иборат. Унинг ўнг томонида олинган бирламчи даромадлар чап томонида эса – мулкдан олинган даромадларнинг тўланиши ва баланслаштирувчи мдда – бирламчи даромадлар қолдиғи келтирилади.

Фойда (аралаш даромад) – корпорацияларнинг бирламчи даромадлари (молиявий ва номолиявий), шунингдек, майда нокооператив корхоналар даромадлари.

Мулкдан олинган даромадлар – иқтисодиётнинг барча секторларида олинган бирламчи даромадлар: фоизлар, дивидентлар, рента, бевосита хориж инвестицияларидан олинган даромадлар. Лекин яшаладиган ва яшалмайдиган бинолар учун ижара ҳаққи мулкдан олинган даромад эмас, балки хизматлар учун тўловлар сифатида қаралади.

Ишлаб чиқариш ва импорт солиқлари – давлат бошқарув органларининг бирламчи даромадлари. Айтиш лозимки, даромадлар ва мулкдан олинган даромадлар бирламчи даромадлар сифатида қаралмайди ва қайта тақсимлаш тўловлари сифатида қаралади.

Иш ҳаққи – ўз мамлакати ва хориж давлати ЯИМни яратишда иштирок этгани учун мамлакат резидентларига тўланган иш ҳаққи. Шундай қилиб, ҳисобламадаги иш ҳаққи, даромадларни ҳосил бўлиши ҳисобламасидаги иш ҳаққига тенг келмайди, чунки унда резидент ва норезидентларга тўланган тўловлар, шу мамлакат ЯИМни яратишда қатнашганларига тўланади. Демак, бу иккита иш ҳаққи фақат фавқулотда арифметик жихатдан тенг бўлиб қолиши мумкин, холос.

Миллий даромад, шу мамлакат резидентлари томонидан олинган бирламчи даромадлар йиғиндисини беради. Миллий даромад ҳам ялпи асосда, ҳам соф асосда

аниқланиши мумкин (асосий капитал истемолини ҳисобга олган ва олмаган ҳолда). Ялпи асосда ҳисобланган Ялпи миллий даромад деб, соф асосда ҳисобланган эса соф миллий даромад деб аталади.

Юқорида қайд қилинганидек, ЯИМ билан ЯМД кўрсаткичлари орасидаги фарқ, шу мамлакат резидентларининг хориждан олган даромадлари қолдиғидан ташкил топади. Одатга кўра, иқтисодий ривожланган мамлакатларда ЯМД ЯИМдан кўп, ривожланаётган мамлакатларда эса унинг акси ЯМД ЯИМдан кам. Бунга сабаб, ривожланган мамлакатлар, хорижга қўйилган инвестициялардан кўпроқ даромад оладилар.

IV. Даромадларни пул формада қайта тақсимлаш ҳисобламаси

Фойдаланиш	Ресурслар
3. Жорий трансфертлар (тўланган)	1. Бирламчи даромадлар қолдиғи
4. Ихтиёрдаги даромад (1+2-3)	2. Жорий трансфертлар (олинган)
Жами фойдаланилган	Жами ресурслар

Бу ҳисоблама даромадларни пул формада қайта тақсимланишини ифодалашга мўлжалланган. ҳисобламаларнинг бошланғич моддаси – аввалги ҳисобламанинг баланслаштирувчи моддаси ёки бирламчи даромадлар қолдиғи. Даромадлар МХТда трансферт деб номланган қайта тақсимлаш тўловлари ёрдамида қайта тақсимланади.

Трансфертлар – товарлар, хизматлар, активлар ёки мулкчилик ҳуқуқларининг бир томонга ҳаракати, иккинчи томонга унинг қийматига тенг бўлган эквивалент оқимларини ифодаловчи операциялар бўлиб ҳисобланади.

Трансфертларнинг жорий ва доимий турлари мавжуд бўлиб, улар натурал формада бўлиши мумкин. Даромадларни қайта тақсимлаш ҳисобламасида трансфертлар жорий пул формада қайд этилади:

- даромадлар ва мулк ҳуқуқига жорий солиқлар;
- ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- ижтимоий тўловлар;
- суғурта мукофотлари ва тўловлари;
- бошқа қайта тақсимлашлар (жарималар, устамалар, хайрли ишлар ва х.к.

ҳисобламанинг баланслаштирувчи моддаси бўлиб, ихтиёрдаги даромад ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳам ялпи, ҳам соф асосда, (асосий капитал истемолини эътиборга олинган ҳолда) ҳисобланиши мумкин.

Иқтисодиётнинг барча секторлари томонидан олинган ихтиёрдаги даромадлар йиғиндиси, ихтиёрдаги миллий даромад (ялпи ёки соф)га тенг бўлади ва у МхТнинг муҳим агрегати ҳисобланади.

Ялпи ихтиёрдаги миллий даромад (ЯИМД) ялпи миллий даромаддан хориждан олинган жорий трансфертлар қолдиғига катта бўлади.

V. Ихтиёрдаги даромаддан пул формада фойдаланиш ҳисобламаси

Фойдаланиш	Ресурслар
3. Жорий трансфертлар (тўланган) 4. Ихтиёрдаги даромад (1+2-3)	1. Бирламчи даромадлар қолдиғи 2. Жорий трансфертлар (олинган)
Жами фойдаланилган	Жами ресурслар

Бу ҳисоблама ихтиёрдаги даромаддан фойдаланиш билан боғлиқ операцияларни қайд этиш учун мўлжалланган.

Охириги фойдаланиш харажатлари қуйидагилардан иборат:

- а) уй хўжаликларида охириги истемол харажатлари;
- б) давлатни бошқаришда охириги истемол харажатлари;
- в) уй хўжалиги хизматидаги ноижорат ташкилотларнинг охириги истемол харажатлари.

Қайд этилган истемол харажатлари, ўзига тегишли секторларнинг ҳисобламаларида қайд этилади.

Жамғариш - ҳисобламасининг баланслаштирувчи моддаси ҳисобланади. Иқтисодиётнинг барча секторлари жамғариш суммаларининг йиғиндиси МхТнинг яна бир агрегати – миллий жамғариш ҳажмини ифодалайди.

VI. Даромадларни натурал формада қайта тақсимлаш ҳисобламаси

Фойдаланиш	Ресурслар
3. Натурал формадаги ижтимоий трансфертлар (тўланган) 4. Тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромад (1+2-3)	1. Ихтиёрдаги даромад 2. Натурал формадаги ижтимоий трансфертлар (олинган)
Жами фойдаланилган	Жами ресурслар

Албатта иқтисодиётнинг барча секторлари ҳам даромадларни натурал формада трансфертларни олувчи ёки берувчи бўлиб ҳисобланмайди. Олувчи бўлиб уй хўжалиги сектори, тўловчи бўлиб эса, уй хўжалиги хизматидан ноижорат ташкилотлар ва давлатни бошқариш органлари ҳисобланади. Корпорациялар (номолиявий ва молиявий) ижтимоий трансфертлар (уй хўжаликлари томонидан) ҳажми, натурал формада тўланган (давлатни бошқариш муассасалари) ижтимоий трансфертлар ҳажмига тенг бўлади.

Агар уй хўжаликлари ихтиёридаги даромадга яна натурал формада олинган ижтимоий трансфертлар қўшилса МхТнинг яна бир агрегати – уй хўжаликлрининг тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромад кўрсаткичи олинади. Бу оқим уй хўжалигига берилган барча тушумларни акс эттиради ва у улар истемол қилиши ва

сақлаши мумкин бўлган имкониятларни акс эттиради. Бу кўрсаткич аҳолининг турмуш даражасини ўрганиш имкониятини беради.

Давлатни бошқариш секторининг тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромади, шу секторнинг ихтиёрдаги пул даромади билан, уй хўжалиги ихтиёрига натурал формада берилган ижтимоий трансфертлар орасидаги фарққа тенг. Шундай схема асосида уй хўжаликлари хизматидаги нотижорат ташкилотларнинг тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромадлари ҳисобланади.

Шундай қилиб, иқтисодиёт секторларининг тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромадлари уларнинг ихтиёрдаги пул формадаги даромадлар йиғиндисга тенг. Тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромаддан фойдаланиш қуйидаги схема асосида амалга оширилади.

VII. Тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромаддан фойдаланиш ҳисобламаси

Фойдаланиш	Ресурслар
2. Амалдаги охириги фойдаланиш 3. Сақлаш (1-2)	1. Тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромад
Жами фойдаланилган	Жами ресурслар

Амалдаги охириги фойдаланиш барча охириги фойдаланиш харажатлари ва натурал формадаги ижтимоий трансфертлар (олинган/берилган)ни ўз ичига олади.

Уй хўжаликлари охириги амалдаги истеъмоли, уларнинг охириги истеъмол харажатлари ва натурал формадаги ижтимоий трансфертлар йиғиндисидан иборат бўлади.

Давлатни бошқариш органларининг охириги амалдаги истеъмоли, уларнинг охириги истеъмоли харажатлари ва уй хўжаликларига берилган натурал формадаги ижтимоий трансфертлар фарқига тенг. Бошқа секторлар амалдаги охириги истеъмолга эга эмас. Молявий ва номолявий корпорациялар сектори охириги фойдаланиш харажатларига эга эмас. Уй хўжалиги хизматидан нотижорат ташкилотлар охириги фойдаланиш харажатларига эга, лекин, улар барчаси шахсий охириги фойдаланиш харажатлари сифатида ифодаланади. Бу деган сўз уларнинг амалдаги охириги фойдаланиш нолга тенг бўлади.

Ҳисобламанинг баланслаштирувчи моддаси – сақлаш бўлиб, у пул формадаги ихтиёрдаги даромаддан фойдаланиш ҳисобламасининг баланслаштирувчи моддасига тенг бўлади.

Энди жамғариш ҳисобламалрига ўтамиз. Бу гуруҳнинг биринчи ҳисобламаси – капитал билан операция деб аталади.

VIII. Капитал билан операция ҳисобламаси

Фойдаланиш	Ресурслар
4. Асосий капитални ялпи жамғариш 5. Материал оборт маблағлар захирасининг ўсиши 6. Бойликларни соф сотиб олиш 7. Ер ва бошқа ишлаб чиқарилмаган	1. Сақлаш 2. Капитал трансфертлар (олинган+) 3. Капитал трансфертлар (тўланган-)

активларни сотиб олиш 8. Соф кредитлаш (соф қарз бериш) (1+2-3-4-5-6-7)	
Жами фойдаланилган	Жами ресурслар

Бу ҳисобламанинг вазифаси капитал харажатларни молиялаштириш манбалари ва улардан қандай йўналишларда (капитал харажатларининг турлаш) фойдаланилганини кўрсатишдан иборат.

Капитал харажатларнинг асосий манбаи – сақлаш (ихтиёрдаги даромаддан фойдаланиш ҳисобламасидан ўтиш, унда сақлаш баланслаштирувчи модда бўлиб ҳисобланади).

Капитал харажатларни молиялаштиришнинг асосий манбаи – сақлаш ихтиёридаги даромаддан фойдаланиш ҳисобламасидан ўтади, бунда сақлаш баланслаштирувчи модда бўлиб ҳисобланади. Кейинги молиялаштириш манбаи – капитал трансфертлар ёки бир вақтнинг ўзида қайта тақсимлаш тўловлари (масалан, корхоналарни давлат бюджетидан қайта тўловсиз молиялаштириш, хусусийлаштириш жараёнида капитални ўтказиш, аввалги йиллар қарзларини кечиб юбориш ва х.к.).

Асосий капитални ялпи жамғариш – бино ва иншоотларни қуриш қиймати, шунингдек машина, ускуна, транспорт воситаларини ва асосий фондлари бошқа турларини сотиб олиш.

Материал айланма маблағлар захирасини ортиши – хом ашё, материаллар, ёқилғи, асбоблар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр лекин сотилмай қолган маҳсулотлар ва х.к. қийматининг ортиши.

Бойликларни соф сотиб олиш (сотишдан ташқари) – заргарлик буюмлари, санъат асарлари, антиквариат, олтин ва бошқа қимматбаҳо материалларни сотиб олиш, улар ўз қийматларини узоқ вақт асраш имкониятига эга бўладилар. Бойликлар юридик, шунингдек жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқариш ва истеъмол учун эмас, балки активларни инфляциялардан асраш учун сотиб олинади.

Ерни ва бошқа ишлаб чиқарилмаган активларни сотиб олиш ер билан бирга бошқа ишлаб чиқарилмаган активларни (патент, лицензиялар, авторлик ҳуқуқи ва х.к.) сотиб олишни ўз ичига олади.

Соф кредитлаш (соф қарз олиш) – молиявий ресурслар ҳажмини ифодаловчи баланслаштирувчи модда бўлиб, у иқтисодиётнинг бир секторини иккинчи секторига берган ва ўрни қопланадиган (ёки олган) капитал харажатларни молиялаштиришни ифодалайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий фаолият натижалари кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари қандай?
2. МХТнинг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлари орасидаги боғланишларни қандай ифодалаш мумкин?

III. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

1 - амалий машғулот: Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби ва уларни тузиш принциплари

Дарс шакли бахс-мунозара. Ишнинг мақсади тингловчиларда реал сектор ривожланишнинг моҳияти, иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Миллий ҳисоблар тизимида ҳисоблама тушунчаси ва уни тузиш қоидалари. Икки ёқлама ёзиш принципи – миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларини тузишда услубий асос сифатида.

2. Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларининг таркиби. Ички иқтисодиёт ва унинг секторлари ҳисобламалари.

3. Жамғариш ҳисобламалари (сармоя билан операциялар ҳисобламаси, молия ҳисобламаси, активлар ҳажмидаги бошқа ўзгаришлар ҳисобламаси, қайта баҳолаш ҳисобламаси).

Муҳокама учун саволлар

Назорат саволлари: Жорий операциялар ҳисобламалари (ишлаб чиқариш ҳисобламаси, бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари, даромадларни қайта тақсимлаш ҳисобламалари, даромадлардан фойдаланиш ҳисобламалари).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).

2. Аюбжонов А.Ҳ., Маматкулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н.. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., 2012 й

3. Система национальных счётов 1993. Издание ООН, 1998г. – С. 1-72.

4. Основы национального счетоводства (международный стандарт): Учебник./ Под ред. Ю.Н.Иванова. – Москва: ИНФРА-М, 2011. – С. 19-69.

5. Подмогильная В. Система национальных счетов: Учебно-практическое пособие. – Москва: РАГС, 2010. – 238 с.

6. Кремлев Н.Д. Система национальных счетов: Учебное пособие. – Курган: Издательство Курганстат, 2009. – С. 6-60.

7. Салин В.Н., Кудряшова С.И. Система национальных счетов: Учебное пособие для вузов. – Москва: Финансы и статистика, 2006. – 272 с.

8. Махмудов Б. Миллий ҳисобчилик асослари./Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2018. – Б. 9-34.

9. Qoraboev A.R. Milliy hisoblar tizimi fanidan masalalar to'plami. O'quv uslubiy qo'llanma. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. – В. 4-21.

10. Абдуғаффоров А, Зокирова М, Қорабоев А. Миллий ҳисоблар тизими. Тошкент “Молия” 2012.-Б.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru

2. www.uza.uz

3. www.uzland.uz

4. www.stability.uz

5. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;

6. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);

7. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)

8. www.wikipedia.org/

2-амалий машғулот: Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари

Дарс шакли: Дебат усули. Ишнинг мақсадимехнат ресурсларининг шаклланиши, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш борасида муаммоларни илгари суриш ва муҳокама этиш. Бунда илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш, илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялашдаги тўсиқлар борасида дебат уюштирилади.

Қуйидаги масалалар ўртага ташланади:

- Даромадларни ҳосил қилиш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Ялпи ички маҳсулот (ялпи қўшилган қиймат).
- Ишлаб чиқариш ва импорт учун субсидиялар (маҳсулотлар учун субсидиялар, ишлаб чиқариш учун бошқа субсидиялар, импорт учун субсидиялар).
- Ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи (ялпи иш ҳақи, корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий таъминотга ҳақиқий ажратмалари, ижтимоий таъминотга ҳисобланган шартли ажратмалар).
- Маҳсулот ва импорт учун солиқлар (маҳсулотлар учун солиқлар, ишлаб чиқариш учун бошқа солиқлар, импорт учун солиқлар).
- Асосий капитал истеъмоли.

Назорат саволлари: Иқтисодиётнинг соф фойдаси (соф фойда ёки соф аралаш даромад). Иқтисодиётнинг ялпи фойдаси (ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
2. Аюбжонов А.Ҳ., Маматқулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н.. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., 2012 й
3. Система национальных счётов 1993. Издание ООН, 1998г. – С. 1-72.
4. Основы национального счетоводства (международный стандарт): Учебник./ Под ред. Ю.Н.Иванова. – Москва: ИНФРА-М, 2011. – С. 19-69.
5. Подмогильная В. Система национальных счетов: Учебно-практическое пособие. – Москва: РАГС, 2010. – 238 с.
6. Кремлев Н.Д. Система национальных счетов: Учебное пособие. – Курган: Издательство Курганстат, 2009. – С. 6-60.
7. Салин В.Н., Кудряшова С.И. Система национальных счетов: Учебное пособие для вузов. – Москва: Финансы и статистика, 2006. – 272 с.
8. Махмудов Б. Миллий ҳисобчилик асослари./Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2018. – Б. 9-34.
9. Qoraboev A.R. Milliy hisoblar tizimi fanidan masalalar to'plami. O'quv uslubiy qo'llanma. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. – В. 4-21.

10. Абдуғаффоров А, Зокирова М, Қорабоев А. Миллий ҳисоблар тизими. Тошкент “Молия” 2012.-Б.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
6. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
7. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)

3-амалий машғулот: Ташқи дунё сектори ҳисобламалари.

Дарс шакли: Кейс - стади.

Кейс-стади – Ташқи дунё сектори ҳисобламалари.

Муҳокама қилинадиган масалалар:

1. Ташқи бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.
2. Товар ва хизматлар бўйича қолдиқ. Товар ва хизматлар импорти. “Ташқи дунё”га тўланган бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар: норезидент ёлланма ходимлар меҳнат ҳақи; ишлаб чиқариш ва импорт учун соф солиқлар; мулкдан олинган даромадлар; жорий трансфертлар. “Ташқи дунё”дан олинган бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар: резидент ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи; ишлаб чиқариш ва импорт учун соф солиқлар; мулкдан олинган даромадлар; жорий трансфертлар.
3. Жорий операциялар бўйича қолдиқ.
4. “Ташқи дунё”дан олинган капитал трансфертлар. “Ташқи дунё”га тўланган капитал трансфертлар.

Назорат саволлари: Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларни соф хариди. Соф кредитлаш ёки соф қарз олиш. Сармоя билан операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
2. Салин В.Н., Кудряшова С.И. Система национальных счетов: Учебное пособие для вузов. – Москва: Финансы и статистика, 2006. – 272 с.
3. Махмудов Б. Миллий ҳисобчилик асослари./Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2018. – Б. 9-34.

2-илова

Гуруҳларнинг ишлашини баҳолаш жадвали

Гуруҳ	Баҳолаш мезонлари	
	Презентация (мазмун, маъноси ва хулосаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5	Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 балл
1.		
2.		

IV. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1) Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Мустақил иш – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларида бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иш - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил ишнинг турлари ва тизими:

1.Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2.Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;
- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф хулосаси;
- иш натижаларини қўлланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутати:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;

- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва таклифлар қилиш;

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

“Реал сектор статистикаси”модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган

мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

1) Мустақил таълим мавзулари.

“Миллий ҳисоблар тизими” модулидан мустақил таълим сифатида ўрганиладиган қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни диверсификациялаш итида фаннинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.
2. Ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромадларнинг сифат жиҳатлари
3. Янги МҲТ (1993 й.)да даромадларнинг кўрсаткичлари
4. Янги МҲТ (1993 й.)да Дж.Хикс таълимотлари асосида даромадларни кичиклар тизими
5. Бозор иқтисодиёти даврида даромадларнинг аҳамияти
6. Истеъмол ва жамғариш тушунчалари

VII. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Арифметик ўртача	Arithmetic mean	Арифметическая средняя	шундай илмий қоидага асосланган ўртачага айтиладики, у билан белгининг айрим қийматларини алмаштирилса, уларнинг умумий йиғиндиси ўзгармаслиги ва тўплам бирликлари сонига нисбатан пропорсионал тақсимланиши зарур
Асосий фондлар	fixed assets	основные фонды	мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисми. Улар ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта фойдаланиладиган ва ўз қийматини тайёр маҳсулотга аста-секин ўтказиб борадиган активлар ҳисобланади
Аҳолини такрор пайдо бўлиши нетто коэффициенти	Re-formation of the net rates of population	Коэффициент нетто воспроизводство населения	бутун умри мобайнида бир аёл туккан болаларининг онаси туккан ёшигача яшаганларнинг ўртача сони.
Айланма маблағлар	Current assets	Оборотные средства	хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар.
Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш	Social Protection	Социальная защита	давлат томонидан аҳолига барча ҳаёт кечириш шарт-шароитларини яратиш учун мақсадли йуналтирилган кафолатлар тизими.
Аҳолининг реал даромадлари	The real incomes of the population	Реальные доходы населения	нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.
Бандлик	employment	занятость	меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини

			қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.
Банкрот	bankrupt	банкрот	хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла хажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги.
Барқарорлик	stability	стабильность	ҳодиса ва жараёнларнинг амал қилиши ҳамда ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати
Бевосита инвестиция	direct investment	устойчивость прямых инвестиций	капитал қўйилмаларни инвестор томонидан тўғридан-тўғри инвестицион объектларга йўналтирилиши назарда тутилади.
Бизнес	Business	Бизнес	фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтожликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади
Билвосита инвестиция	indirect investment	косвенное инвестирование	воситачи молиявий ташкилотлар орқали инвесторлар томонидан капитал қўйилмаларнинг қўйилиши тарзида ифодаланади.
Бозор конъюнктураси	market conditions	рыночные условия	муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.
Бюджет дефицити	budget deficit	бюджетный дефицит	бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик
Глобал молиявий-иқтисодий бозор	Global financial	Глобальный финансовый	жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-

	market	рынок	иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.
Давлат бюджети	State budget	госбюджет	давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.
Давлат инвестицияси	State investments	Государственные инвестиции	давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат фондлари ҳамда давлат корхоналари томонидан капиталлар қўйилишини ифодалайди.
Даромаднинг ички меъёри	Standards of internal revenue	Стандарты внутреннего дохода	инвестициядан пул оқимини, келажакдаги қийматини дисконт ставкаси билан белгиланган инвестицион маблағларни ҳозирги қийматига келтирилган аниқ бир инвестицион лойиҳанинг даромадлилик даражасини ифодалайди
Даромад солиғи	income tax	подходный налог	фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ).
Даромад солиғи ставкалари	Income tax rates	Ставки налога на прибыль	Аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари.
Диверсификация	the diversification	диверсификация	(лотинчадан diversus- ҳар хил ва facere-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.
Диверсификация стратегияси	diversification strategy	стратегия диверсификации	корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир.
Дивиденд	the dividend	дивиденд	акционерлик жамияти соф фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акционерларга нақд пул ёки

			акциялар билан тўланади.
Дисконтланган қоплаш меъёри	To cover the discounted rate	Для того, чтобы покрыть скидку	инвестицион лойиҳанинг амалга оширилишидан бошлаб, иқтисодий ижобий самарага эришгунга бўлган қисқа вақт интервали
Жаҳон банки	The World Bank	Всемирный банк	1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган
<u>Институцион бирликлар</u>	institutional units	институциональ ные единицы	активларга эгалик қилиш, мажбуриятлар олиш, иқтисодий фаолият юритиш ва бошқа бирликлар билан операциялар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.
<u>Истеъмол</u>	consumption	потребление	ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охириги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини кондириш жараёни
<u>Истеъмол баҳолари индекси</u>	Consumer price index	Индекс потребительских цен	истеъмол саватига киритилган товар ва хизматлар баҳосининг у ёки бу даврдаги ўртача ўзгаришини ифодаловчи индекс. У одатда Ласпейрес формуласи бўйича аниқланади.
<u>Иш кучига сарфланган ҳаражатлар</u>	Labor expenses	расходы на рабочую силу	иш берувчилар томонидан иш кучини ёллаш ва уни асраш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар йиғиндиси
<u>Ишсизлик даражаси</u>	The unemployment rate	Уровень безработицы	ишсизлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати. 16 ва ундан юқори ёшдагилар, лекин ишга эга бўлмаганлар, фаол иш қидираётганлар, ишни бошлашга тайёр турганлар ишсизлар деб аталади
<u>Иш ҳақи</u>	Remuneration	зарплата	жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга базарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар

			йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳаққи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.
<u>Ишлаб чиқариш</u>	production	производство	маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган мол ва хизматлар қиймати
<u>Ишчи кучи бозори</u>	Labor market	рынок труда	– иш кучининг эгаси ва иш берувчилар орасидаги ижтимоий муносабатлар тизими.
<u>Иқтисодий фаол аҳоли</u>	The economically active population	Численность экономически активного населения	ўз иш кучини товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун тақдим этган доимий аҳолининг бир қисми (аёллар, эркаклар) бўлиб, улар банд аҳоли ва ишсизларга бўлинадилар.
<u>Иқтисодиёт активлари</u>	The assets of the economy	активы экономики	объектлар бўлиб, уларга институцион бирликлар яқка ҳолда ёки жамоа бўлиб эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Уларнинг эгалари маълум вақт давомида уларга эгалик қилишдан ёки улардан фойдаланишдан иқтисодий наф кўрадилар. Иқтисодий активлар-молиявий ва номолиявий активларга бўлинади
<u>Иқтисодиётнинг реал сектори</u>	The real sector of the economy	Реальный сектор экономики	иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади
<u>Иқтисодий ночор корхоналар</u>	Insolvent enterprises	Несостоятельны х предприятий	муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган махсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган

			колок, самарасиз корхона
Йўриқнома	instructions	инструкция	(инструкция) деб кузатиш дастурида кўзланган белгиларни бир хил талқин этишва тушунишни таъминлайди-ган кўрсатмалар мажмуасига айтилади.
Кузатиш объекти	monitoring facility	объект наблюдения	бу ўрганилаётган ходисалар ва жараёнлар, яъни корхоналар ва ташкилотлар, хўжаликлар, кишилар, оилалар, уй хўжаликлари, ва ҳоказоларни уларнинг фаолияти жиҳатидан қаралган тўплами
Комбинацион жадвал	combinational table	комбинационная таблица	эга қисмида объектларни иккита ва ундан ортиқ белгилари асосида гуруҳлаш натижаларини акс эттирадиган жадвалдир
Мода	mode	мода	тўпланда энг кўп учрайдиган белги қийматига аталади. Дискрет қаторларда у энг кўп соҳиблар (варианталар) сонига эга бўлган варианта қиймати билан белгиланади.
Медиана	median	медиана	тўпламни тенг иккига бўлувчи белгининг қиймати тушунилади
<u>Миллий бойлик</u>	national wealth	национальное богатство	кишилик авлоди меҳнати туфайли ва фойдаланиш мумкин бўлган табиий бойликлар йиғиндисидан ташкил топади. Меҳнат натижасида пайдо бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат ноз-неъматлар йиғиндиси миллий мулк деб аталади.
Миллий стандарт	national standard	национальный стандарт	муайян мамлакат миқёсида, халқаро стандарт эса-бутун жаҳон ёки мамлакатлар бирлашмаси миқёсида ходисаларни таснифлаш, кўрсаткичларни тузиш ва ҳисоблаш, маълумотларни қайд қилишда қўлланадиган умумий талаб, тартиб ва контсепциялар мажмуасидир.
Мутлақ	Absolut index	Абсолютные	ўрганилаётган ходисалар ва

кўрсаткичлар		показатели	уларнинг белгиларини бир хиллигини, монандлигини, ўхшашлигини ифодалайди. Мутлақ миқдорлар ҳодисалар ёки белгиларнинг кўлами, сони, ҳажми, даражаси, макон ва замонда тақсимланиш сонини ифодалайди
Масштаб	scale	масштаб	кўрсаткичларни текисликдаги тасвирий нисбатларга айлантирувчи шартли меъёрдир
<u>Номинал иш ҳақи</u>	Nominal wage	Номинальная заработная плата	пул формадаги иш ҳақи, фақат пул ҳажмини ифодалайди, унинг сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олмайди
Оммавий ҳодиса	mass phenomena	массовые явления	бирор объектлар тўпламида содир бўлган воқеа, ҳаракат натижаси.
Оммавий жараён	mass events	массовые события	бу объектлар тўпламида содир бўлган воқеалар оқими ва унинг характери, уларнинг ривожланиш даражалари, тўплама ҳодисалар кечишидаги (ҳаракатидаги) ўзгаришлар
<u>Резидент</u>	resident	резидент	нисбатан узоқ вақт давомида ҳудудида иқтисодий кизиқиши бўлган институцион бирликлар (қорхоналар, ташкилотлар, уй хўжаликлари ва ҳ.к.лар).
Статистика	Statistics	Статистика	оммавий ҳодиса ва жараёнларни аниқ вақт ва замонда сифат ҳамда миқдордан ажралмаган ҳолда ўрганади
Статистика услубияти	Statistical method	Статистический метод	оммавий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда, намоён бўладиган қонуниятларни ойдинлаштиришда ишлатиладиган ўзига хос услуб, яъни статистика назарияси ва амалиётида қўлланадиган йўллар, усуллар, воситалар мажмуаси
Статистик тадқиқот	Statistical investigation	Статистическое исследование	иккита босқич ва бир неча фазалардан ташкил топади ва уларда ўзига хос усуллар

			қўлланади
Статистик кўрсаткичлар	Statistic indexes	Статистические показатели	statistical method маълум макон ва замон шароитида оммавий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳолатини, ривожланишини, тузилишини, ўзаро боғланишларини ифодаловчи меъёрлар юритилади
Таснифлаш	Classification	Классификация	ўрганилаётган ходисаларни тартиблаш мақсадида уларнинг муҳим белгиларига қараб гуруҳларга, туркумларга ва ҳоказоларга ажратишдир.
Таққослаш	Compare	Сравнение	турли кўрсаткичларни айирма ёки бўлиш йўли билан ўзаро солиштиришдир
Фасет	bezel	Фасет	ҳар бир тасниф бирликларини номма-ном ёзиб чиқиш рўйхати
Ценз	qualification	Ценз	кузатиш объектини аниқловчи меъёр, белгилар тўпламидир

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажак фааровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрь “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сонли Қонуни
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 август “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июнь “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил

8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрел “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрь ПҚ-4022-сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрь “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январь “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4563 -сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

20. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психо-логия: монография. Книга 16 / – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

21. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

22. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

23. Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.

24. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
25. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
26. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
27. Харченко Н.М., Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – 368 стр.
28. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf
29. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
30. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
31. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
32. Цифровая экономика: 2019: краткий статистический сборник / Г.И. Абдрахманова, К.О. Вишневский, Л.М. Гохберг и др.; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: НИУ ВШЭ, 2019. – 96 с
33. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
34. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
35. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
36. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
37. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
38. Mahmudov B.M. Milliy hisoblar tizimi. Darslik. – Т.: 2018. – 324 б.
39. Nabixo’jaev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullaev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O’quv qo’llanma. – Т.: Иқтисодиёт, 2016. – 212 б.
40. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2019. – 324 bet.
41. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2015.

IV. Интернет сайтлар

42. www.lex.uz- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
43. www.edu.uz.- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
44. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.
45. www.aci.uz- Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва

телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси.

46. www.ictcouncil.gov.uz. - Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш.

47. www.bimm.uz.- Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ.

48. www.ziyonet.uz.- таълим портали.

49. www.infocom.uz. - Infocom.uz электрон журнали.

50. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.

51. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

52. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.

53. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.

54. www.tsue.uz- Тошкент давлат иқтисодиёт университети.